

Тошкент ш.

"24" январь 2022 й.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Бош директорнинг биринчи ўринбосари С.Шукуров, ЎЗА низомига (ПҚ-4541 02.12.2019й., ВМ 03.01.2020 йил 1-сон қарорига 1-илова) асосан иш юритувчи, бир томондан ва «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Бошқарув Раиси ўринбосари А. К. Курамбаев, 2022 йилнинг "13" январь даги 01-338 /03-сонли ишончномага асосан фаолият юритувчи, иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда «Томонлар» деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Буюртмачи» буюртма беради ва тўловни амалга оширади, «Ижрочи» эса пресс-релиз, шарҳ, интервью, таҳлилий мақолалар, турли тадбирларга оид ахборотлар, маълум ташкилот фаолияти билан боғлиқ материалларни (матнда «мақолалар» деб юритилади) ўз интернет сайти (uza.uz) да жойлаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Ижрочи» қуйидагиларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

2.1.1. «Буюртмачи» тақдим этган ҳажмдаги мақолаларни ўз вақтида ва тезкор равишда 6 (олти) соатдан кам бўлмаган вақт ичида ўз сайтида жойлаштириши.

2.1.2. «Буюртмачи» талабига кўра, иш куни давомида ёки мазкур талаб иш куни бўлмаган пайтда келиб тушган бўлса, бевосита иш куни бошланганидан кейин мақолаларни кечиктирмай ўз сайтидан олиб қўйиши.

2.1.3. Сайт учун тақдим этилган мақолаларда нотўғри маълумотлар берилмаслигини таъминлаши. Сайтларда жойлаштирилдиган мақолалар «Буюртмачи» тақдим этадиган материалларга мос келиши лозим. Сайтда жойлаштирилган мақола «Буюртмачи» тасдиқлаган материалга мос келмаган тақдирда, «Ижрочи» материални керакли материалга алмаштириши ёки уни таҳрир қилиб, хатони бартараф этиши лозим.

2.1.4. Техник сабабларга кўра, мақолаларни сайтга жойлаштиришнинг имкони бўлмаганда, «Буюртмачи»ни хабардор қилиши ва мазкур сабабларни бартараф этиш чораларини кўриши.

2.1.5. «Ижрочи» мазкур шартнома асосида хизмат кўрсатиш бўйича барча зарурий рухсатнома ҳужжатлари (жумладан, сайт эгалари билан тузилган) келишувлар мавжудлигини кафолатлайди.

2.2. «Ижрочи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Ўз сайтида «ОАВ тўғрисидаги қонун», «Реклама тўғрисидаги қонун» ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қарши мазмундаги мақолаларни жойлаштиришни рад этиши.

2.2.2. Мазкур шартномани тугатиш истаги борлиги тўғрисида, интернет-ресурс фаолияти ёки ушбу шартномада белгиланган шартларни давом эттириб бўлмайдиган бошқа ўзгаришлар ҳақида «Буюртмачи»ни 10 кун муддат ичида ёзма равишда хабардор қилиши.

2.3. «Буюртмачи» қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.3.1. «Ижрочи» хизматларини қабул қилиши ва улар учун ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўзда тутилган миқдорда ва муддатда тўловни амалга ошириши.

2.3.2. Мақолаларни сайтда жойлаштириш учун оддий иш кунида 3 (уч) соатдан кам бўлмаган вақт ичида тақдим этиши. Агар материал иш куни тугаганидан сўнг ёки дам олиш кунлари тақдим этилса, мақола иш куни бошланиши билан сайтга жойлаштирилади.

2.3.3. «Ижрочи»нинг хизматларини ҳар ойда бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш актига асосан ҳамда ҳисоб-фактурани Шартноманинг 3.3 бандига мувофиқ қабул қилиши. «Буюртмачи» хизматларни қабул қилишни рад қилган тақдирда, ўша муддатда «Ижрочи»га аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда, ёзма рад жавобини тақдим этиши лозим.

2.4. “Буюртмачи” куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. “Ижрочи”дан мазкур Шартномада белгиланган ишларни ўз вақтида сифатли ва тўлиқ бажарилишини талаб қилиш.

3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Томонларнинг келишувига кўра кўрсатиладиган хизматнинг умумий қиймати 75 000 000 (Етмиш беш миллион) сўм деб баҳоланди.

Хизмат тури	Материаллар сони (1 ойда)	Шартнома муддати	Ойлик тўлов суммаси (сўм)		Шартнома нинг умумий қиймати (сўм)
			Прайс лист бўйича	Чегирма билан	
<u>www.uza.uz</u> сайтида 9 хил тилда таржималари билан материалларни жойлаштириш, шунингдек, мақолани сайт ижтимоий тармоқларида тарғибот қилиш, видео-роликларда, баннер кўринишида бериб бориш	Камида 7 та	12	9 167 000	6 250 000	75 000 000
Жами:			110 000 000		75 000 000

3.2. «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган суммасининг 30 фоизини олдиндан, қолган 70 фоизини томонлар ёки уларнинг вакиллари ўртасида ҳар ойнинг якуни билан имзоланадиган тегишли далолатномаларга асосан «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3. “Буюртмачи” бажарилган ишлар бўйича далолатномани “Ижрочи”дан қабул қилган пайтдан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида имзолаши лозим. Далолатноманинг имзоланиши Шартномадаги томонларнинг хизмат кўрсатиш, хизматлар сифати бўйича келишувини билдиради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Мазкур шартномадаги мажбуриятларни бажармаслик ёки керакли даражада бажармаганлик учун “Ижрочи” ва “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектлари фаолияти шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. Ҳар бир томон фаолияти ёки томонлар вакилларининг оммабоп бўлмаган фаолияти сир сақланади. Томонлар бошқа шахсларга сир сақланадиган маълумотни тарқатмаслиги ва ундан мазкур шартномада белгиланган ва кўзда тутилган вазифалардан бошқа мақсадларда фойдаланмасликни ўз зиммасига олади.

4.3. Агарда тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, “Ижрочи” “Буюртмачи”дан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорида пеня тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўловнинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4.4. Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, “Буюртмачи” “Ижрочи”дан ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан 0,5% миқдорида пеня тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, лекин пеня миқдори кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Томонлар энгиб бўлмайдиган куч таъсирида мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этиладилар. Фавқулодда ҳолатларга куйидагилар киради: сув тошқинлари, ёнғинлар, зилзила, портлашлар, бўрон, кўчкилар, эпидемия ва бошқа табиий офатлар, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, тармоқ ёки ҳудудда юз берадиган иш ташлашлар, Ҳукуматнинг махсус қарорлари. Ваколатли органларнинг тегишли

маълумотлари форс-мажор ҳолатларининг юз бериши ва давом этиши бўйича керакли далил ҳисобланади.

5.2. Бунда Шартномадаги мажбуриятлар ижроси мазкур ҳолатлар давом этган вақтга қараб сурилади. Ҳар бир томон форс-мажор ҳолати юз бергандан бошлаб бошқа томонни 5 кун ичида ваколатли органлар томонидан берилган далилларни тақдим этган ҳолда, ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келган барча низолар ўзаро келишув орқали амалга оширилади, агар томонлар келишувга эриша олмасалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ

7.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорат йўли билан сотиб олиш, лавозимини суистеъмол қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бузадиган ҳаракатлар, ҳамда ҳам Шартнома томонлари ўртасидаги муносабатларда, ҳам учинчи шахслар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят йўли билан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш)га қарши курашиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномалари талабларини бузадиган ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслик мажбуриятини олади. Томонлар шунингдек, ушбу талабни уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахсларига, ходимларига, ваколатланган вакиллари ва воситачиларига етказиш мажбуриятини олади.

7.2. Шартноманинг ҳар бир томони, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари, ходимлари ва воситачилари бошқа томоннинг ходимларини ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда, жумладан, ушбу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қаратилган қайдайдир ҳаракатлар бажарилишини таъминлайдиган пул суммалари, совғалар тақдим этиш, уларга бепул хизмат кўрсатиш ёки ишларни бажариш йўли билан рағбатлантиришдан бош тортади.

7.3. Ходим томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга ошириладиган ҳаракатлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентларга нисбатан асоссиз имтиёزلарни бериш;
- қандайдир қафолатларни бериш;
- мавжуд тартиб-таомилларни тезлаштириш;

- ходим томонидан ўзининг хизмат мажбуриятлари доирасида амалга ошириладиган, лекин томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффофлик ва очиқлик тамойилларига мос келмайдиган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар томонда ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришнинг 7.1 ёки 7.2 бандларида назарда тутилган қандайдир мажбуриятларнинг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкинлигига ишониш учун асослар пайдо бўлса, томон бу ҳақда бошқа томонни ёзма равишда ва шартномада кўрсатилган электрон почта манзили орқали зудлик билан хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма хабарномада томон фактларни кўрсатиши ёки бошқа томон, унинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари, ходимлари, ваколатланган вакиллари ёки воситачилари тарафидан ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришдаги 7.1 ёки 7.2 бандларнинг бузилиши содир бўлганлигини ёки содир бўлиши мумкинлигини ишончли тасдиқловчи ёки ишониш учун асос берувчи материалларни тақдим этиши керак.

7.5. Ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришдаги 7.1 ва 7.2 бандларнинг ҳар қандай қоидаларини бузганлиги тўғрисида хабарнома олган томон хабарномани кўриб чиқиши ва бошқа томонга ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар бериши шарт.

7.6. Томонлар ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришнинг 7.1 ва 7.2 бандларидаги қоидаларнинг бузилиши ҳолатлари бўйича тегишли муҳокамаларни махфийлик тамойилларига

риоя қилган ҳолда амалга оширишни ва юзага келиши мумкин бўлган низоларни баргараф этиш учун самарали чораларни қўллашни кафолатлайди. Томонлар умуман хабардор қилган томон учун ҳам, қонунбузарликлар ҳақида хабар берган томоннинг муайян ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар бўлмаслигини кафолатлайди.

7.7. Бир томон ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришнинг 7.1 ва 7.2 бандларидаги қоидаларини бузганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа томон ушбу Коррупцияга қарши огоҳлантиришнинг 7.5 бандига мувофиқ қонунбузарликлар тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш натижалари бўйича ахборот олмаганда, бошқа Томон ушбу Шартномани бекор қилиш санасидан олдин 15 (ўн беш) календарь кунидан кечикмасдан ёзма хабарнома юбориш орқали бир томонлама судсиз тартибда ушбу Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома икки томон учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилади.

8.2. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартиш ёки қўшимчалар ёзма кўринишда расмийлаштирилиб, томонларнинг вакиллик органлари томонидан имзоланганидан сўнггина юридик кучга эга бўлади.

8.3. Ҳар бир томон мазкур шартномани бошқа томонни 10 (ўн) кун олдин огоҳлатирган ҳолда бекор қилиши мумкин. Бунда томонлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар уларнинг келишувига асосан амалга оширилади.

8.4. Мазкур шартнома бўйича томонлар мажбуриятини бажаришга доир ҳужжатларда раҳбарлар ва бошқа ваколатли шахсларнинг имзоси ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган муҳр билан тасдиқланиши лозим.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

Ижрочи

Молия вазирлиги ғазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Марказий банк Бош бошқармаси Тошкент ш.
МФО: 00014 ИНН 201 122 919
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги-ЎЗА
100000. Тошкент шаҳри Буюк Турон-42 уй
Шах. х.р. 4001 1086 026 273 7089 700 133 001
ИНН: 200 547 444 ОКОНХ: 97300
Тел: 71 233-21-42, 233-63-59 Факс: 71 233-24-45
Эл.почта: uzauz@yandex.ru, foto@uza.uz

Буюргмачи


“Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ
Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй
Х/р 19907000800000450016
Бўлим “Ўзмиллийбанк” АЖ
МФО 00450 ИНН 200836354
Телефон: 78 147-15-03

Бош директорнинг биринчи ўринбосари



С.Шукуров

Бошқарув Раиси ўринбосари



А. Курамбаев

Матбуот котиби

3. Тухтаева

10.17 от 18.01.22.

Б. Абдулов

7.10.2022

Handwritten signature of B. Abdullayev.

Handwritten signature of Z. Tukhtayeva.

Handwritten signature of A. Kurambayev.